# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2022 йил 1 декабрь, № 258 (8320) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар давом этаётгани ҳамда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги сермаҳсул ишлар кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 30 фоиздан зиёдга ошди. Ўтган ойда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди. 1-2 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида икки давлат ҳукуматлари раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг учрашуви бўлиб ўтади, унда иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги жорий ва истиқболли кооперация лойиҳалари кўриб чиқилади. Шунингдек, мамлакатларимиз етакчи саноат корхоналари ва компаниялари вакиллари иштирокида қатор ишбилармонлик тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ҳудудлараро ҳамкорлик кенгаймоқда. Гуманитар алмашинув соҳасида учинчи Ўзбекистон — Россия таълим форумининг самарали натижалари қайд этилди.

Бундан ташқари, кўп томонлама форматдаги, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги амалий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Етакчилар бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очиқ, ишончли ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## ЕРЛАРНИ АУКЦИОНГА ЧИҚАРИШ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ерларни аукцион орқали сотишни соддалаштиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Ривожланган мамлакатларда ер энг яхши мулк ва бизнес асоси. Сўнгги йилларда юртимизда ҳам бу соҳада шаффофлик ва рақобат таъминлангани натижасида ер бозор активига айланмоқда. Шу мақсадда 2021 йил 15 ноябрда "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Бу қонун талаблари Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 14 февралдаги қарори билан изчил йўлга қўйилди.

Шундан буён ўтган вақтда, яъни 2022 йил февраль — октябрь ойларида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун "Yerelektron" ахборот тизими орқали 48 мингта ер участкаси аукцион савдоларига чиқарилган. Юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиб келаётган 5 мингга яқин ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича ижобий хулоса берилган.

Шу билан бирга, амалдаги ишлар таҳлили бу тизимда айрим камчиликлар борлигини кўрсатди. Масалан, аукционга чиқариш таклиф этилган 12 мингтадан зиёд участкалар қишлоқ хўжалиги ерларида ёки муҳофаза ҳудудида жойлашганлиги аниқланган. Бўш ер участкалари "Yerelektron" ахборот тизимига фақат қурилиш бўлимлари томонидан киритилаётгани сабабли ҳамма бўш ерларни топиш жараёни тўлиқ қамраб олинмаяпти. Шу боис бу ишларни ҳудудий қурилиш бўлимлари ва кадастр органлари биргаликда амалга ошириши таклиф этилмоқда.

Амалиётда қийинчилик туғдираётган яна бир муаммо ерларни аукционга чиқариш босқичлари кўплиги. Ҳозирги кунда бу 13 та босқичдан иборат бўлиб, ижара ҳуқуқи билан ер олишда 48 иш куни, мулк ҳуқуқида 74 иш кунигача вақт кетмоқда. Шу боис ерни аукционга чиқариш босқичларини 8 тага тушириб, муддатларини тегишлича 16 ва 22 иш кунигача қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Айрим шаҳарчаларнинг бош режаси йўқлиги ҳам жараённи секинлаштирмоқда. Шунинг учун бундай жойларда ерларни ҳудудий архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши билан келишган ҳолда, мастер-режа асосида аукционга чиқариш таклифи билдирилди.

Кичик саноат зоналарининг ҳудуди эса аниқ. Шу боис улардаги ерларни бош режада назарда тутилган лотларга мувофиқ, содда тартибда тадбиркорларга бериш зарурлиги таъкидланди.

Аҳоли ўзи фойдаланиб келаётган ерларни хусусийлаштириши мумкинлиги яхши имконият. Ҳозирда бунинг тўлови йиллик ер солиғининг 20 баравари миқдорида. Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда берган кўрсатмаларига мувофиқ, бу қиймат Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида ер солиғининг 10 баравари, бошқа ҳудудларда 5 баравари миқдорида белгиланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таклиф этилган чора-тадбирларни маъқуллаб, аҳоли ва тадбиркорларга енгиллик яратиш, ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича қўшимча топшириқлар берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 14 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 18 ноябрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартнома (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 ноябрь
№ ЎРҚ—804

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 14 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 18 ноябрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битим (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 ноябрь
№ ЎРҚ—805

Кенгаш йиғилиши

## МАМЛАКАТИМИЗДА ВЕЛОСПОРТ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенати Раиси, Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раиси Танзила Норбоева бошчилигида Велоспортни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.*

Видеоконференцалоқа тарзида ўтган мазкур йиғилишда Велоспортни ривожлантириш бўйича республика кенгаши аъзолари, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари қатнашди.

Унда Президентимизнинг 2021 йил 24 сентябрдаги "Велоспортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси, хусусан, велоспорт турларининг аҳоли ўртасида оммавийлигини ошириш, миллий терма жамоа аъзоларининг Осиё ва Параосиё ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари ҳамда кубоклари, шунингдек, бошқа йирик мусобақаларда муносиб иштирок этиши, юқори натижаларга эришишини таъминлаш каби бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди. Яъни бугун мамлакатимизда велоспорт қай даражада ривожланмоқда, деган саволга жавоб изланди.

Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раиси Т. Норбоева жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган ёшлар ўртасида паравелоспорт турлари оммавийлигини ошириш ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш, саралаш бўйича федерация ва Миллий паралимпия қўмитаси билан ҳамкорликда тизимли ишлар йўлга қўйилганини таъкидлаб, яратиб берилган шароитлардан унумли фойдаланган ёшларимиз халқаро мусобақаларда ўз иқтидорларини кўрсатиб, 2022 йили Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё чемпионатида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаганини алоҳида қайд этди.

➡ 2

Депутатлар — ҳудудларда

## ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Юртимизда аҳоли, хусусан, сайловчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг устувор йўналишига айланди.*

*Шу кунларда депутатлар сайлов округларидаги фаолияти давомида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг боришини, янги қабул қилинган қонунлар моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказмоқда.*

### Мавжуд муаммолар хонадонбай ўрганилди

Парламент қуйи палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова ҳам халқ билан мулоқот қилиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни маҳаллабай, хонадонбай ўрганиш мақсадида Бувайда туманида бўлди.

Тиббиёт техникумида ўтказилган мулоқот давомида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўзгаришлар, ушбу соҳани янада ислоҳ қилишга қаратилган ишлар, шифокорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўз юритилди.

Шунингдек, яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида батафсил маълумот берилди. Ушбу ҳужжат билан ишга қабул қилиш босқичлари, жумладан, ишга кириш тартиблари белгилангани, айрим тоифадаги ходимлар учун синов муддати 3 ойдан 6 ойгача узайтирилгани қайд этилди.

Очиқ мулоқот чоғида фуқароларнинг мурожаатлари ҳам тингланди. Аҳоли вакилларидан келиб тушган қатор мурожаатлар шу ернинг ўзида ҳал этилди. Ечими узоқ вақт талаб қиладиганлари эса депутатлик назоратига олинди. Муҳими, ҳеч бир фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолмади.

Депутат, шунингдек, Бувайда туманидаги 40-умумтаълим мактабида иситиш тизими бўйича ўрганиш олиб борди. Сўнгра мактаб раҳбариятига ўз тавсияларини берди.

Ўрганиш давомида мазкур мактаб анча йилдан буён таъмирталаб ҳолатда эканлиги, уни қайта капитал таъмирлаш лозимлиги аниқланди. Ушбу масала юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

### «Эгасига етгунча» қабилида бажарилган ишлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шербек Бўронов Нарпай туманининг Қозикент маҳалласида аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш масаласини ўрганди.

➡ 2

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов "Финляндия — Марказий Осиё" парламентлараро дўстлик гуруҳи раҳбари К. Кильюнен бошчилигидаги Финляндия парламенти делегацияси билан учрашди.*

Учрашув

Мулоқотда Ўзбекистон ва Финляндия парламентлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Делегация аъзоларига кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламентининг қонунчилик фаолияти, норма ижодкорлиги, қўмита ва фракциялари иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўз борди.

➡ 2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар



**Қорақалпоғистоннинг тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун ўзбек халқининг бахти ва фаровонлигидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ОРОЛБЎЙИДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ

*Бундан беш-олти йил олдин Оролбўйига қадами етган киши борки, осмонни ғубор қоплаган, поёнсиз қумликлар аро янтоғу саксовуллар қовжираб, гоҳ кўкка ўрлаганча ҳўлу қуруқни учириб ўйнайдиган қуюнлардан қалтираб турган, бир имдодсиз, рутубатли манзарага дуч келарди.*

*Бу ерда яшаётган одамларнинг ҳам ранги рўйи сомон, уларнинг кўзларида бир вақтлар ташлаб кетган денгизга интизорлик, соғинч ва армон, ранжу алам қотиб қолганди. Айниқса, Оролнинг мавжланиб, қирғоқларидан тўлиб-тошиб турганини кўрган, тўлқинлар билан қувлашмачоқ ўйнаб улғайган ёши улуғ инсонлар баъзан денгиз чекинган томонга тикилиб ўтиришарди. Уларнинг ўйчан юзи, ҳасрат тўла нигоҳида худди висолга аҳду паймон қилган-у, аммо ташлаб кетилган, вафосиз ёрдан куйган ошиқ қиёфаси гавдаланарди. Одамлар ўзаро гурунгларда тушида Оролнинг қайтганини, кўпирган тўлқинлар узра ложувард самони яна чағалайларнинг қий-чуви тўлдирганини кўрганини ажиб бир орзиқиш билан сўзлашарди. Сўнг кўзларига ёш олиб, ширин хотираларга берилишарди. Даврада жам бўлган ёшларга бу воқеликлар гўё эртакдек туюлса-да, улар ана шундай мунгли муҳитда улғайди, армонлар қуршовида ўсди...*

*Хўш, бутун бошли элнинг бахтини саробга айлантирган бу экологик фожиа қандай содир бўлган эди?*

➡ 4

# МАМЛАКАТИМИЗДА ВЕЛОСПОРТ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНМОҚДА?

←1

Умуман, жорий йилда терма жамоамиз аъзолари нуфузли халқаро мусобақаларда 50 та медални қўлга киритди. Жумладан, терма жамоа Ислом бирдамлиги ўйинларида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Қолаверса, UCIнинг Осиё қитъаси рейтингида “Tashkent City Women Professional Cycling Team” жамоаси 1-ўринни (дунё рейтингида 20-ўрин), “Tashkent City Professional Cycling Team” жамоаси 3-ўринни (дунё рейтингида 40-ўрин) қўлга киритди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Олга Забелинская “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан тақдирланди.

Таъкидланганидек, велоспорт ривожи учун ҳудудларда тегишли инфратузилмани ривожлантириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳридаги Сангзор кўли ҳудудида дунё андозаларига мос BMX спорт мажмуаси барпо этилди ва унга Халқаро велосипедчилар иттифоқи томонидан сертификат топширилди.

Жорий йилда Бўстонлиқ туманининг тоғ ҳудудида велоспортнинг “MTB” тоғ велоспорти экстримал тури бўйича дунё талабларига жавоб берадиган халқаро велоспорт мусобақалари ўтказишга мўлжалланган 5,5 километр масофадаги биринчи велосипед йўлаги (трасса) халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда барпо этилди. Айни чоғда Бухоро, Қарши, Навоий ва Термиз олимпия ҳамда паралимпия захиралари коллежларида велоспорт турлари бўйича бўлимлар ташкил этилди.

Йиғилишда Велоспорт федерацияси вилоят бўлинмалари моддий-техника базасини яратишда муайян камчиликлар борлиги ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, ҳудудий бўлинмалар учун маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан ҳар йили 40 донадан велосипед ажратиш, велосипедчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2 тадан “Дамас” русумли автотранспорт ажратиш ишлари Андижон ва Бухоро вилоятларида эътибордан четда қолиб кетган.

Йиғилишда спорт-таълим муассасаларини велоспорт турлари бўйича давлат ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси билан таъминлаш масаласи, Ўзбекистон велоспорт федерацияси ҳузуридаги Ўзбекистон профессионал велосипедчилар спорт клуби фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Ҳудудларда паравелоспортни ривожлантириш мақсадида спорт-таълим муассасаларида иқтидорли параспортчилар билан машғулот олиб борадиган малакали тренерлар, спорт инвентарлари (велосипедлар) билан таъминлашни йўлга қўйиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шунингдек, тадбирда велоспортни ривожлантириш учун инфратузилма зарурлиги, бунинг учун шарт-шароитлар яратиш, бунда айниқса, ҳудудларга эътибор қаратиш лозимлиги, федерация бўлинмалари ва спорт объектларида молиявий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни жадаллаштириш кераклиги таъкидланди. Ҳудудларда велоспорт турларига ихтисослаштирилган турли спорт мажмуалари қурилиши бўйича режаларнинг бажарилиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, велоспорт турларини ҳудудларда ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, истиқболдаги режалар, шу жумладан, ушбу спорт турларига ёшларни кенг жалб қилиш, уларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш ҳамда профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Мулоқот

# ШЕРИКЛИКНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори С. Сафоевнинг “Канада — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раиси З. Абултаиф ҳамда ушбу мамлакат парламенти вакиллари билан видеоконференция форматида учрашуви бўлиб ўтди.*

Учрашув давомида томонлар сиёсат, иқтисодиёт ва парламентлараро алоқалар борасида Ўзбекистон — Канада ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини кўриб чиқди.

Бундан ташқари, таълим соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада фаоллаштириш, хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Альберта университети ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Парламентарийлар ушбу йўналишдаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида тўхталаркан, Канаданинг тегишли муассасалари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ахборот алмашиш, илмий-услубий ресурсларни жалб қилиш, қўшма илмий тадқиқот дастурлари ва стажировкаларни ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини билдирди.

Канада парламенти вакиллари билан учрашув якуни бўйича Ўзбекистон — Канада парламентлараро муносабатлари юзасидан доимий алоқани давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШИЛДИ

←1

Ўз навбатида, К. Кильюнен самимий учрашув учун ўз миннатдорлигини билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон нафақат минтақада, балки жаҳон майдонида сезиларли даражада юксалаётганлигини юқори баҳолади.

Учрашув давомида Ўзбекистон ва Финляндиянинг таълим тизими ҳамда ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, истиқболдаги режалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда томонлар парламентлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

К. Кильюнен бошчилигидаги Финляндия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Финляндия парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи аъзолари билан ҳам учрашди.

Унда парламентлараро алоқалар икки томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисми эканлиги таъкидланиб, ушбу йўналишдаги ҳамкорликни изчил давом эттириш ва кенгайтириш ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Мулоқот якунида томонлар икки мамлакатнинг нафақат парламентлараро, балки бошқа соҳа ва йўналишларининг ривожланиши борасида ўзаро фикр алмашинувлари орқали тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Учрашув дўстона ва самимий руҳда ўтди.

**«Халқ сўзи».**

# МАҲАЛЛАЛАРДА ЎРГАНИШЛАР ДАВОМ ЭТЯПТИ

*Аввал хабар берилганидек, айни кунларда сенаторлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, жойларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш мақсадида ҳудудларда ўрганишлар олиб бормоқда.*

## Халқ билан юзма-юз

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б. Тожиев, сенатор Ф. Саъдуллаева ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари Янгибозор туманидаги “Олтинкўл” ва “Очақалъа” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Дастлаб Олтинкўл маҳалласидаги ички йўлларни таъмирлаш ҳолати, қумшағал ётқизиш ишлари ўрганилди, фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, мавжуд муаммолар таҳлил қилинди. Сўнгра сенаторлар Очақалъа маҳалласида аҳолига яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектлари кўздан кечирилди. Ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминоти масалалари ҳам эътибор марказида бўлди.

Сенатор Н. Пардаев Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида фуқаролар билан учрашди. Унда давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди ва ижроси юзасидан фикрлар ўртага ташланди.

Тадбирда сўз олган сенатор сўнгги йилларда юртимизда инсон қадрини улуғлаш, маҳаллаларни обод қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда мазкур қарор асосида Янгиобод туманида қилинадиган ишлар тўғрисида тўхталди.

Учрашувда қарор асосида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича бажариладиган ишлар юзасидан фаоллар ва аҳоли вакиллари таклифлари тингланди.

Сенатор Қ. Турсунов Кармана туманидаги Янги ариқ, Янги Варқ ҳамда Жалойир маҳаллаларида лойиҳалар ижросини ўрганди ва аҳоли вакиллари билан суҳбатлашди.

Шунингдек, “Янги ариқ” МФЙнинг ички кўчаларидаги эскирган ва таъмирталаб 175 дона симёғочни темир-бетон таянчларга алмаштириш, “Янги Варқ” МФЙ биносини янгидан қуриш, 20-умумтаълим мактабига олиб борувчи йўлни жорий таъмирлаш ишлари жойига борган ҳолда ўрганилди.

Сенатор М. Салимова Фарғона тумани ва Марғилон шаҳридаги маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар лойиҳаларини ўрганиш мақсадида маҳаллалар ҳамда ижтимоий объектларда бўлиб, бу ерда амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар билан танишди.

Қайд этилишича, жорий йил сўнгига қадар Фарғона туманидаги Қорасув, Мозор таги, Оқтепа ва Оқ том маҳаллаларида 2 та трансформатор ўрнатиш, 9790 метрга ичимлик суви тармоқларини тортиш ва 41-умумтаълим мактабини тўлиқ таъмирлаш ҳамда иситиш тизимини янгилаш ишларини якунлаш режалаштирилган.

Шунингдек, сенатор мутасаддилар иштирокида Марғилон шаҳрининг “Тошкесар”, “Терактаги”, “Галатой”, “Узумзор”, З. М. Бобур номидаги, “Янгиобод”, “Юксалиш” ва “Янгиҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли ҳудудларни обод қилиш, бу ердаги инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, мухтасар айтганда, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида тайёрланган лойиҳалар билан танишди.

**«Халқ сўзи».**

Сенат қўмитасида

# МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

*Сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришга, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда имижи ошишига хизмат қилмоқда.*

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбати айни шу масалаларга, хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижросига бағишланди.

“Одил судловни самарали таъминлаш” мавзуидаги давра суҳбатида таъкидланганидек, мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад шу йўналишда масъуллар томонидан амалга оширилган ишлар билан жамоатчиликни яқиндан таништириш, биргаликда очиқ муҳокама қилиш, мавжуд фикрларни ўртага ташлаш, шунингдек, олдинда турган муҳим вазифаларни белгилаб олиш, энг асосийси, юзага келаётган муаммоларни биргаликда бартараф этишдан иборатдир.

Мавзу юзасидан сўзга чиққан Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Қайд этилишича, барқарор ривожланиш мақсадлари халқимизнинг фаровонлиги, давлатимизнинг ривожланиши учун “ҳаракат режаси” бўлиб, у дунё тинчлигини мустаҳкамлаш, қашшоқликка бутунлай барҳам беришга қаратилган.

Шу боис дунёнинг бошқа давлатлари каби Ўзбекистон ҳам ушбу кун тартибига қўшилган ва Барқарор ривожланиш мақсадларини миллий миқёсда амалга ошириш мажбуриятини олган. Бу борада Парламент комиссияси фаолияти йўлга қўйилиб, парламент назорати ўрнатилган.

Тадбирда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, масъул вазирлик ва идоралар асосий эътиборини ушбу кўрсаткичларга эришишга қаратиши зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Якунда мазкур йўналишдаги ишларнинг изчиллигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида бир қатор тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан “Янги Ўзбекистонда илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

## Давра суҳбати

Унда сенаторлар, қўмита экспертлар гуруҳи аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари доимий комиссия раислари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, таълим ва илм-фан — тараққиёт гарови, ҳар бир ёш авлоднинг таълим олишига ҳамда келажакда илм-фан билан шуғулланишига имконият яратиш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Тадбирда ўтган беш йил давомида эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, 2022 — 2026 йилларда амалга ошириладиган Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига тўхталиб ўтилди.

Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 50-мақсади “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга юбориш кўламини икки баравarga ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва АКТ соҳаларига ўқитиш, шунингдек, 51-мақсаддан келиб чиқиб иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий этиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати алоҳида таҳлил қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари илм-фан соҳасида ислоҳотларни жадаллаштириш, таълим тизимида илмий тадқиқот натижаларидан самарали фойдаланиш, изланувчан ходимлар учун замонавий лабораториялар ташкил этиш муҳим омил эканлигини таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантириш ва бошқарув механизмлари бўйича амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида маълумотлар берилди.

Маърузачилар мактабгача таълим сифатини яхшилашда илм-фаннинг ўрни, халқ таълими тизимида илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини педагогик амалиётга жорий этишнинг долзарб масалалари, олий таълим тизимида илмий фаолият, эришилган ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари мавзуларида ўзларининг таклиф ва тавсияларини билдирди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан билдирилган таклифлар асосида якуний тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



←1

Маълумотга кўра, бу иш учун жорий йилги Давлат дастурига асосан 1,8 млрд. сўм маблағ ажратилган. “Элита Лайф” МЧЖ тендер савдосида иштирок этиб ғолиб бўлган ва лойиҳа бўйича ишларни бажарган.

Ўрганишдан маълум бўлдики, ишлар “эгасига етгунча” қабилида сифатсиз бажарилган. Хусусан, 500 га яқин қувурлар талаб даражасида ўрнатилмаган ва устки қисмлари ёпилмаган. Улар сифатсиз улангани сабабли кўп жойидан сув сизиб чиқмоқда. Бундан ташқари, сув иншооти ҳам яроқсиз аҳволда. Ичимлик сувини аҳолига етказиб бериш учун ўрнатилган сув насослари электр энергияси линиясига уланмаганлиги сабабли ишламаяпти.

Мутасаддилар, маҳалла аҳли қурувчи ташкилот ишини назорат қилмаганлиги оқибатида лойиҳа қўл учида бажариб кетилган. Мутасадди ташкилот раҳбарлари қабул қилиш-топшириш далолатномаларига имзо чекиб, бажарилмаган ишларни сохтакорлик билан бажарилди, деб кўз юмгани ачинарлидир.

Депутат томонидан туман ҳамда вилоят ташкилотларига охирига етказилмаган ишларни қисқа муддат ичида якунлаш бўйича тавсиялар берилиб, масала назоратга олинди.

### Тадбиркорлар мурожаати ҳал этиладиган бўлди

Парламент қуйи палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов кўп вақтини халқ орасида ўтказади. Одамлар билан мулоқот чоғида уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларини имкон қадар бартараф этишга ҳаракат қилади.

Халқ вакилининг бу галги сайловчилар билан учрашувлари ҳам самарали кечди. Учрашувлар доирасида депутат Бойсун тумани сектор раҳбарлари билан биргаликда тадбиркорлар қабулини уюштирди.

Мулоқотда тадбиркорлар томонидан 27 та мурожаат келиб тушди. Улар, асосан, тадбиркорлик учун ер ажратиш, электр ва сув таъминотига уланиш, кадастр ва банкдан имтиёзли кредит олишга тааллуқли масалалардир.

Фуқаролар томонидан келиб тушган ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, уларнинг салмоқли қисми мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз ечимини топди.

Ечими узоқ вақт талаб қиладиган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

### Таълим муассасасида иситиш тизими барқарор бўлиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шоҳиста Турғунова ўз сайлов округидаги учрашувлари доирасида Чортоқ туманидаги Юксалиш маҳалласида туман ҳокими Анваржон Отахўжаев иштирокида ўтказилган сайёр қабулда қатнашди.

Сайёр қабулда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш борасидаги ишларни якунига етказиш, табиий газ таъминоти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Учрашув давомида фуқаролар томонидан кўтарилган аксарият масалалар мутасаддилар иштирокида ҳал этилди.

Халқ вакили, шунингдек, Дамариқ маҳалласидаги 6-мактаб фаолияти билан танишди. Бу жараёнда таълим даргоҳида иситиш мавсумининг барқарор ўтишини таъминлаш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда юртимизда табиатни асраб-авайлаш, экология масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимиз томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди. Депутат ҳудуддаги ўрганишлари жараёнида акция доирасида кўчат экиш ишлари Чортоқ туманидаги умумтаълим муассасаларида ҳам тобора кенг қанот ёзаётганига гувоҳ бўлди.

### Қуруқ ваъда қачонгача давом этади?

Халқ вакили Фарҳодбек Ашматов Шаҳрихон туманидаги Оқ олтин маҳалласида ўтказган сайёр қабулда кўп йиллар давомида ечимини кутиб турган масалалар бартараф этилди.

Учрашувда фуқаролар, асосан, коммунал хизмат — газ, электр, ичимлик суви таъминоти масаласида мурожаат қилди.

Масалан, фуқароларнинг айтишича, мутасаддилар уч йил муқаддам ушбу маҳалла аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи 2022 йилги дастурга киритилганини айтишган. Мана, йил якунига етяпти, аммо ҳеч бир иш қилинмаган.

Шунингдек, ушбу маҳалла ёшлари етти километр узоқликдаги 25-сонли мактабга қатнайди. Транспорт масаласини ҳал қилиш эса ҳамон ортга суриляпти. Қолаверса, маҳалла идораси биноси ҳам таъмирталаб, аслида аҳолининг ишонч қўрғони бўлиши жоиз бўлган бу идорага киришга одамнинг юраги бетламайди.

Депутат аҳоли мурожаатларини тинглаб, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва мутасаддилар ҳамроҳлигида бу масалаларни жойига чиқиб ўрганди. Масъул мутасадди ташкилот раҳбарларига аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

### Талаб ва истаклар доимий эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов Тўрткўл туманидаги “Шўрохон” овул фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳолининг турмуш шароити, кайфияти, уларни ўйлантираётган масалалар, ижтимоий хизмат кўрсатиш объектларининг ҳолатини ўрганди.

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида халқ вакили уларнинг мурожаатларини атрофлича ўрганиб чиқди. Фуқаролардан турли масалаларга оид келиб тушган мурожаатлар тегишли идоралар мутасаддилари иштирокида ижобий ҳал этилди.

Шундан сўнг депутат хонадонма-хонадон юриб, одамларнинг яшаш шароитларини ўрганди. Мулоқотлар давомида “Шўрохон” ОФЙда яшовчи Гулбаҳор Бекдурдиева уй-жой олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ҳозирги кунда вақтинча ижарада турганлигини айтиб, қиш мавсумини ўтказиб олиш учун кўмир масаласида ёрдам сўради.

Туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлим бошлиғи А. Отажонов ушбу муаммонинг ҳал этилишини ўз назоратига олишини билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# «БЕШ ТАШАББУС» ОЛИМПИАДАСИ ИККИНЧИ МАВСУМИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

*Фарғона вилояти театр-концерт саройида “Беш ташаббус” олимпиадаси иккинчи мавсуми шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

## Рағбат

Тантанали тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят ва шаҳар секторлари раҳбарлари қатнашди.

Тадбир давомида “Беш ташаббус” олимпиадаси Фарғона шаҳар босқичи ғолиб ва совриндорлари бўлган 200 нафарга яқин ёшлар диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— Бугунги тадбирда Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи 150 нафар ёшга олий таълим муассасаларида таҳсил олиш бўйича шартнома тўлови, 50 нафар йигитга сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизмат учун тўлов тўлаб берилди, — дейди Фарғона шаҳар ҳокими ўринбосари Юсуфжон Юсупов. — Шунингдек, 178 нафар йигит-қизга замонавий касбларни эгаллаши учун субсидия ажратилгани ҳақидаги сертификатлар топширилди.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

Тадбир

# ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК КЎРСАТКИЧИ ОШМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни Қашқадарё вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.*

Унда депутатлар, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Бу борада том маънода мисли кўрилмаган лойиҳалар амалга оширилди. Натижада биргина 2021 йил якуни билан 1,5 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, бу борадаги умумий кўрсаткич даражаси 69,7 фоизга етказилди.

Мамлакатимиз қишлоқ ва маҳаллаларида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари амалга оширилмоқда. Уларга асосан, аҳоли пунктларининг марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида ҳам мақсадли ва манзилли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Қашқадарё вилоятида 2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида мавжуд 15 та туман ва шаҳардаги 32 та маҳаллада ичимлик суви таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунда 28 та объектда 154,6 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, 489,3 км. ичимлик суви қувурлари ётқизилган, 14 та қудуқ қазилган, 14 та сув йиғиш иншооти барпо этилган. Барча объектлар белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган. Натижада 13 минг 712 та хонадон марказлашган ичимлик суви билан таъминланди.

Шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2022 йилда вилоятдаги 30 та маҳаллада 26 та сув иншооти барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилган ҳамда танлов савдолари ўтказилиб, барча лойиҳалар бўйича босқичма-босқич молиялаштириш амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар асосида 534,2 км. сув тармоқлари тортилиб, 20 та сув иншооти барпо этилди.

Йиғилишда Қашқадарё вилоятида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим туман ва шаҳардаги лойиҳаларни танлаш, лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш жараёнларида камчиликлар йўл қўйилгани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасидаги сув таъминоти лойиҳалари аксариятининг танлов савдолари ҳамда лойиҳаларнинг молиялаштирилиши йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилиши натижасида уларда белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишлари йил якунига қадар чўзилишига сабаб бўлаётгани таъкидланди.

Берилган маълумотларга кўра, 2022 йилги дастурлар доирасида республика ҳудудларини ичимлик суви билан таъминлаш тўлиқ молиялаштирилиб берилган бўлсада, ҳозирга қадар режанинг 92 фоизи бажарилган. Ушбу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 82 фоизни ташкил этиб, республика кўрсаткичидан пастлигича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аксарият ҳудудларда дастур доирасидаги лойиҳаларнинг кечикишига олиб келмоқда.

Депутатлар камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли вазирлик ва идораларга тавсиялар бериб, ушбу йўналишдаги ишлар юзасидан парламент назоратини олиб боришини маълум қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИККИ ТОМОНЛАМА КЕЛИШУВЛАРНИНГ АМАЛДАГИ РЎЁБИ

*Бугун Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида фаол ташқи сиёсат олиб боряпти. Халқаро алоқалар кўлами кенгайиб, фаолият сифати янгиланди. Амалга оширилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатда қатор мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.*

*Ташқи сиёсатимизда етакчи давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик шериклик ҳамда бирдамликнинг мувозанатли тизимини шакллантиришга устувор йўналиш сифатида қаралаётган ҳозирги вақтда парламент дипломатиясини ривожлантириш муҳим ўринга эга. Бунда миллий манфаатларни илгари суриш ва уларни ҳимоя қилиш тобора катта аҳамият касб этяпти.*

## Нуқтаи назар

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламентлараро Ассамблеяси, Парламентлараро Иттифоқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси каби нуфузли ташкилотларга аъзолигимиз қайта тикланди, Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси билан алоқалар ўрнатилди. Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан шериклик бўйича парламентлараро гуруҳлар ҳамда комиссиялар сони кескин равишда ошди.

Мазкур ҳамкорлик гуруҳлари хорижий давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни ривожлантириш учун доимий майдон вазифасини ўташи баробарида, чет эллик биродарлар билан очиқ, конструктив ва жонли мулоқот олиб боришнинг қулай механизми ҳисобланади. Жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги парламентлараро алоқалар ривожланиб боряпти. Мазкур жараёнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Польша Республикаси Миллий Ассамблеясининг Сейми билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳи фаол иштирок этяпти.

Турли даражадаги икки томонлама келишувларни амалда рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида тажриба алмашиш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга қаратилган парламент делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш анъанага айланди.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Польша Республикаси Сейми “Польша — Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи раиси Павел Бейда бошчилигидаги депутатлар делегациясининг ташрифи давомида ҳам икки томонлама бирдамликни парламентлараро алоқалар орқали ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Таъкидландики, икки томонлама алоқаларда халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, манфаатли савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳалардаги шерикликни янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Парламентлар ҳамкорлигининг ривожланиб бориши Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги амалий ҳамжиҳатликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Зеро, икки томонлама сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги самарали шерикликни давом эттиришда парламент дипломатияси ҳам ўзига хос ўринга эга. Шу боис икки мамлакат парламентлари ўртасидаги дўстлик гуруҳлари ва ихтисослаштирилган қўмиталар форматида ўзаро ришталарни фаоллаштиришдан томонлар манфаатдор.

Учрашув давомида Польша парламенти аъзолари “ЕИ — Ўзбекистон” ва “ЕИ — Марказий Осиё” ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги ижобий тенденциялар ва янги келишувларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини қайд этди.

Мамлакатимизнинг Евроиттифоқ давлатлари билан кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш, ислоҳотлар дастурини амалга оширишда хорижнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, Европа ишбилармон доиралари билан шерикликнинг самарали механизм ва воситаларини шакллантиришда ҳам парламент дипломатиясининг ўсиб бориши муҳим ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, томонлар Ўзбекистон ҳудудларида Польша компаниялари иштирокида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар. Меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Музокаралар давомида таълим соҳасидаги ҳамжиҳатликни жипслаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Айтиб ўтилдики, Ўзбекистон ва Польшанинг етакчи олий ўқув юртлари ўртасида узоқ муддатли алоқалар ўрнатилган. Жумладан, айни вақтда Ўзбекистон Миллий университети Варшава университети билан, Тошкент давлат аграр университети Варшава қишлоқ хўжалиги университети билан, Тошкент тиббиёт академияси Польша тиббиёт академияси билан, Банк-молия академияси Варшава банк институти билан амалий ҳамкорлик қилиб келаётир.

Польша нафақат Европа Иттифоқи таркибидаги, балки дунё мамлакатлари орасида анъанавий равишда мамлакатимизнинг муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Польша ҳамкорлиги изчил ривожланиб боряпти. Бундан ташқари, ЕИ билан кўп томонлама мулоқот ва Вишеград гуруҳи доирасидаги ҳамжиҳатлик мустаҳкамланиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, икки мамлакат қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кичик бизнес ва инновациялар, таълим ҳамда туризм каби соҳаларда ҳали ишга солинмаган катта салоҳиятга эга.

Мамлакатимизда Польша капитали иштирокида кўплаб корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика каби иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларида фаолият юритяпти. Икки давлат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ҳам асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган.





**Мавлудахон ХЎЖАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Ўзбек ва поляк халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар кўп йиллик тарихга эга. XIX аср ўрталарида чор Россиясига қарши қўзғолон кўтарган поляклар Ўрта Осиёга сургун қилинган эди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон каби шаҳарларда яшаб, меҳнат қилишган. 1895 йили Тошкентда поляк болалари учун мактаб ва кутубхона очилган. Яна икки йилдан кейин поляклар жамоатчилик маданият маркази ташкил этилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Польшани немис-фашист қўшинларидан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзбек генерали Собир Раҳимов Данциг (Гданск) яқинида ҳалок бўлган. Шу уруш оқибатида ва оммавий қатағонлар сабабли полякларнинг минтақамизга иккинчи кўчиши содир бўлди.

Ўтган йилларда икки миллат вакиллари ўзаро аҳил ва иноқ яшаб келган қувончли ҳамда қайғули кунларда елкадош бўлди. Бугун ушбу дўстона қадриятлар, ўзаро янги ришталар янада мустаҳкамланиб бораётгани қувонарлидир. Польшаликлар ҳам Ўзбекистонда сўнгги йилларда бўлаётган ўзгаришларни илиқ кутиб олиб, юксак баҳолашяпти. Жумладан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бориши, мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини таъминлаш, қулай ишбилармон ва инвестициявий иқлимни шакллантириш, туризм ва ташқи савдони ривожлантириш соҳасининг янада шаффофлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий сиёсат жадал ривожланаётгани юксак баҳоланяпти.

Машҳур поляк дипломати, ўз вақтида мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари лавозимида ишлаган Анджей Папеж Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган дўстона ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганини эътироф этди.

Унинг айтишича, меҳнатсеварлик ҳамда ишбилармонлик ўзбек ва поляк халқларига хос фазилатлардир, бундай яқинлик ўзаро ҳамкорлик салоҳиятини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистонга ЕИ преференциялар бош тизимининг бенефициари мақоми берилгани эса Польша билан ҳам икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини эътироф этиш жоиз. Бу эса ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги соҳасида фикр алмашиш кўламини кенгайтиришни тақозо қилади. Кейинги йилларда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган кўп қиррали шериклик янги суръат касб этаётгани ҳам шундан далолат беради.

Умуман олганда, ҳозирда демократик янгиланишлар, иқтисодий ислоҳотлар ва транформация жараёнларида Польша билан ҳамкорлик ривожланиб бораётганини фақат ижобий баҳолаш мумкин. Бу жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Польша Республикаси Миллий Ассамблеясининг Сейми билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи ҳам муносиб иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш мақсади йўлидаги мазкур саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам жадал давом эттирилади. Бунда Польша билан йўлга қўйилган парламентлараро бирдамлик муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЛАН БИРГАЛИКДА «АҚЛЛИ ШАҲАР» ҚУРИЛАДИ

*Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев “Жанубий Корея — Ўзбекистон” бизнес ассоциацияси директорлар кенгаши раиси Ким Чанг Кеон бошчилигидаги Жанубий Корея ишбилармон доираси вакилларидан иборат делегацияни қабул қилди.*

## Бунёдкорлик

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари вилоятда қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариш, таълим каби йўналишларда намоён бўлаётгани, шунингдек, Жанубий Корея стандартларидаги шаҳарсозлик нормаларини жорий этиш борасида амалий натижаларга эришилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Мулоқотда аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Хусусан, тез орада Гулистон шаҳрида қатор афзалликларга эга, қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг бўлган “ақлли шаҳар” барпо этишга киришилади. “EduLink Global” компанияси томонидан “Guliston New City” лойиҳаси доирасида Жанубий Корея тажрибаси асосидаги мактабгача таълим муассасаси қурилиши ҳам назарда тутилмоқда. Учрашувдан сўнг меҳмонлар юқоридаги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳудуд инфратузилмаси билан танишди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).**




*Инновация — бу инсоннинг интеллектуал фаолияти, фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаси ҳисобланади. Аммо инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қарашимиз лозим. Аслида инновациялар кашфиётлардан фарқ қилади. Масалан, илм-фан — бу маълум маблағларни билимлар ва ғояларга айлантириш бўлса, инновациялар — бу билимлар ва ғояларни маблағларда акс эттиришдир. Ёки ихтиро — бу янги концепцияни яратишни англатса, инновация — бу ихтиронинг амалий аҳамиятини ажратиб кўрсатиш ва уни муваффақиятли сотиладиган маҳсулот кўринишига келтиришдир.*



## Юксалиш

Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, корхоналарда инновацион фаолиятнинг самарали механизмларини жорий қилишга қаратилган кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Илм-фан соҳасида давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, устав фонди 50 фоиз ва ундан юқори бўлган йирик корхоналарда амалдаги раҳбар ўринбосарларидан бирига инновацияларни жорий этиш (Chief Innovation Officer) вазифаси юклатилиши, унинг базавий лавозим маошига ҳар ойда 30 фоиз миқдорида устама тўланиши ҳамда инновацион фаолият билан шуғулланишга масъул бўлинма ташкил қилиниши белгилангани соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу йил 6 июлда қабул қилинган “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони эса корхоналарда инновацион фаолиятни юритишнинг ўзига хос услубларини белгилаб берди. Унга мувофиқ, 2022 йил 1 августдан “тубдан янгиловчи” инновациялар яратишни рағбатлантиришнинг янги тизими амалга татбиқ қилинди.

Унга кўра, маҳаллий илмий ташкилотлар ва корхоналарга инновацион товарлар ҳамда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, шунингдек, техник қўллаб-қувватлаш бўйича давлат органлари, йирик давлат ташкилотлари билан шартномаларни тўғридан-тўғри имзолаш ҳуқуқи берилиб, савдо харидлари Электрон кооперация портали орқали амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, устав фондида 50 ва ундан ортиқ фоиз давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларида фойда солиғини тўлагунга қадар фойданинг 10 фоизгача миқдоридаги ажратмалари ҳисобидан корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамида шакллантириладиган Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилиниши ҳам қайд этилган. Шунингдек, Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари “тубдан янгиловчи” инновацияларни яратишга ва жорий қилишга йўналтирилади ҳамда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар портфели Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилиши белгилаб қўйилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: корхоналар қандай инновацияларни барпо қилиши мумкин? “Тубдан янгиловчи” инновациялар нима?

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, корхона ва ташкилотлар 4 турдаги инновацияларни барпо қилишлари мумкин:

1) маҳсулотга оид инновациялар, бундай турдаги инновацияларга янги маҳсулот ва хизматлар, такомиллаштирилган маҳсулот ҳамда хизматлар киради;

2) жараёнга оид инновациялар, уларга технологик жиҳатдан янги ёки такомиллашган ишлаб чиқариш усули ҳамда янги ёки такомиллашган таълим усули киради;

3) маркетингга оид инновациялар, яъни бу маҳсулотнинг дизайни ва қадоғига ўзгаришлар, маҳсулот ҳамда хизматларни сотишнинг янги усулларидан фойдаланишга қаратилган инновациялар;

4) ташкилий инновациялар — бунга бизнесни ташкил этиш ва юритишнинг янги усуллари, иш ўринларини очишнинг, ташқи алоқаларни йўлга қўйишнинг янги ёндашуви кабилар киради.

“Тубдан янгиловчи” инновациялар тушунчасининг моҳияти эса 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш стратегиясида ёритилган бўлиб, унга мувофиқ “тубдан янгиловчи” инновациялар янги турдаги маҳсулотлар ёки хизмат турларини яратишдан иборат бўлиб, аксарият ҳолатларда капитал талаб қилади, бироқ кўплаб янги иш ўринларини яратишга сабаб бўлиши билан катта аҳамият касб этади.

“Тубдан янгиловчи” инновациялар инновацион экотизимда “барқарор” (sustaining) инновациялар ҳамда “самарадор” (efficiency) инновациялар билан ўзаро боғлиқ. Моҳиятига кўра, “тубдан янгиловчи” ва “барқарор” инновацияларнинг ҳар иккаласи технология ва маҳсулотлар кўринишидаги инновациялар ҳисобланади, лекин “барқарор” инновация мавжуд технологияни, маҳсулотнинг хусусиятини такомиллаштириш ҳисобига барқарор таъминлаб турса, “тубдан янгиловчи” инновация эса мавжуд технологиянинг ўрнини олади ҳамда тармоқда технология ривожланишининг янги босқичини бошлайди. “Барқарор” инновациялар натижасида юқори хусусиятларга эга бўлган такомиллашган маҳсулотлар, “тубдан янгиловчи” инновациялар натижасида эса қулай, ихчам ва арзон хусусиятларга эга бўлган маҳсулотлар пайдо бўлади.

Корхоналарда инновацион фаолиятни янги тизим асосида тўғри ташкил этиш жуда муҳим. Чунки кузатувлар кўрсатмоқдаки, аксарият корхоналарда инновацион фаолият борасида ҳали тажриба етишмаслиги туфайли улар инновация ишларини тўғри йўналтиришда қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Шу боис фикримизча, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ва тўғри ташкил қилиш учун улар қуйидаги қадамларни тизимли тарзда амалга оширишлари зарур:

*биринчидан,* корхонада инновациялар татбиқи бўйича алоҳида раҳбар ўринбосарини тайинлаш ёки раҳбар ўринбосарларининг бирига буйруқ асосида инновацияларни жорий этиш вазифасини юклаш лозим. Хорижда бундай лавозим Chief Innovation Officer, яъни Инновациялар бўйича директор деб аталади ҳамда унинг асосий вазифалари сирасига компанияда инновация жараёнларини бошқариш, инновация асосида янги маҳсулот ва хизматларни яратиш кабилар киради;

*иккинчидан,* ушбу раҳбар ўринбосарининг инновациялар татбиқи борасидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш мақсадида буйруқ билан унинг базавий лавозим маошига ҳар ойда 30 фоиз миқдорида корхона ўз маблағлари ҳисобидан устама тўлаш амалиётини жорий қилиш тавсия этилади;

*учинчидан,* корхонада инновацион фаолият билан шуғулланишга масъул бўлинмани буйруқ асосида белгилаш, унинг низомларини тасдиқлаш ва уни инновациялар бўйича зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар билан тўлдириш лозим. Бунда корхонада мавжуд бўлинма зиммасига инновация ишларини олиб бориш вазифасини юклаш ёки инновацион фаолият билан шуғулланадиган янги бўлинмани ташкил этиш мумкин;

*тўртинчидан,* инновацияларни жорий қилиш бўйича раҳбар ўринбосарининг лавозим йўриқномасига инновацион фаолиятга оид қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин:

■ корхонанинг илмий ишланма ва инновацияларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашда қатнашиш ҳамда тармоқ бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш;

■ янги ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳамда рационализаторлик фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш;

■ ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этишга қаратилган янги ишланмалар синовларини корхонада саноат даражасида ўтказишни уюштириш;

■ корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида инновацион равнаққа қаратилган режаларни амалга ошириш ва ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

■ илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва интеллектуал фаолият натижалари, инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш ҳамда уларни молиялаштиришда кўмаклашиш;

*бешинчидан,* корхоналар юридик шахс мақомига эга бўлмаган Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасини очиши зарур. Бунинг учун, албатта, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

■ Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 мартдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган намунавий низомдан фойдаланиб, корхонанинг Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жағармаси тўғрисидаги низомини ишлаб чиқиш;

■ мазкур низомни белгиланган тартибда тасдиқлаш (акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналарда — умумий йиғилиш ёки кузатув кенгаши қарори билан; давлат унитар корхонасида — муассис қарори билан расмийлаштирилади);

■ низомда жамғарманинг маблағлари корхона фойда солиғини тўлагунга қадар фойдасининг 10 фоизгача миқдоридаги ажратмалари ҳисобидан шакллантирилишини инобатга олиш;

■ жамғарма маблағлари шакллантирилиши учун хизмат кўрсатувчи банкда алоҳида ҳисоб рақамини очиш ва унга маблағлар кўчирилишини таъминлаш;

*олтинчидан,* жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инновацион лойиҳалар портфелини ишлаб чиқиш лозим. Бунда лойиҳалар (илмий-амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари) портфели корхонанинг инновациялар учун масъул бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилади, лойиҳалар портфели корхонанинг илмий-техник кенгаши томонидан кўриб чиқилади, зарур ҳолларда қайта ишланади ҳамда ушбу кенгаш қарори билан тасдиқланади. Корхонанинг инновацион лойиҳалар портфели ишлаб чиқилиб, тасдиқланганидан кейин, уни Инновацион ривожланиш вазирлигига келишиш учун юбориш ҳам талаб этилади;

*еттинчидан,* корхоналар белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш чораларини кўриши лозим. Бунда корхонада жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда натижалар бўйича Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисоботлар тақдим этиб бориш амалиётини йўлга қўйиш керак бўлади. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, жорий қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун корхоналар маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари билан шартномаларни Электрон кооперация портали орқали (www.cooperation.uz) тўғридан-тўғри тузиши мумкин.

Ўйлаймизки, юқоридаги талаблар асосида корхоналарда ишлар тизимли амалга оширилса, инновацион фаолият тўғри ташкил қилинса, инновацион жараёнлар самарадорлиги муттасил ошиб боради.

**Зуфар АШУРОВ,**
**Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тадқиқотлар маркази директори ўринбосари, и.ф.ф.д. (PhD)**

# ОРОЛБЎЙИДА ЯНГИ ҲАЁТ НАФАСИ













Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

←1

Ҳаммаси бундан бир асрлар муқаддам Чор Россияси босқинидан сўнг, ўлкани талаш, хомашё базасига айлантириш мақсадида қўриқ ерларни очкўзларча ўзлаштиришдан, табиат қонунини менсимай, унга ўйламай-нетмай муносабатда бўлишдан бошланганди. Ўшанда кучли босим остида янги ерларга пахта, шоли каби сувни кўп талаб қиладиган экинлар аёвсиз экилди. Суғориш-мелиорация тадбирлари ҳеч қандай илмий асосларсиз, пала-партиш амалга оширилаверди. Оқибатда тупроқ шўрланди, кўп ҳудудлар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолди. Энг ёмони, Оролга обиҳаёт етиб бормайдиган бўлди.

Собиқ иттифоқ моддий бойлик ҳисобланган пахтани халқ бошига тушган балога айлантирди. “Оқ олтинни олтин қўллар яратади”, деган сохта шиор билан халқни ранжу машаққатларга гирифтор этди. Алалоқибат, барибир, пахта “оқ олтин”, шоли “сариқ олтин” бўлмади: эл эртаю кеч эгатларга сочилиб яшаса-да, бойимади, бирини икки қилолмади, кези келса, ҳатто ўликлигига кафан ҳам тополмай қолди. Шубҳасиз, энг катта йўқотиш Орол денгизи эди. Сув ерга, элга шафқатсиз муносабатдан, адолатсизликлардан ранжигандек, қочгандек тобора қирғоғидан чекиниб бораверди.

Бугун бир вақтлар кўм-кўк бўлиб, тўлқинланиб турган Орол денгизи ўрнида сарғайган ўт-ўланлар, яйдоқ кенгликлар, мунғайган, ўркач-ўркач қум барханлари қолди. Бепоён қум денгизи! Бир вақтлар қирғоғидан тошган тўлқинларнинг қалбга ором ва шавқ бахш этувчи шовуллаши ўрнида бугун тўзону қуюнларнинг димоқни чангга тўлдирувчи, нафасни сиқувчи хира манзараси ҳукмрон. Соғлиқ учун хатарли, туз зарраларини ортмоқлаган ғуборли ҳаво ҳар лаҳзада атрофни қуршаб, кўз очирмайди. Лекин...

## Барҳаёт умидлар меваси

Халқимизда “Умид энг сўнгида ўлади”, деган гап бор. Оролбўйи одамлари не-не машаққату синовларга қарамай, денгизнинг яна сувга тўлишини кутиб, умид ва илинж билан яшамоқда. Дарҳақиқат, ҳаёт мўъжизаларга тўла. Табиат — энг аъло ҳаким. Дардларига ўзи даво топар. Қачонлардир Орол яна қайта тирилар, унинг қирғоқларига қудратли тўлқинлар яна бош урар. Буни вақт кўрсатади. Аммо бугун Орол бўйларига янги ҳаёт, янги кайфият кириб келгани, меҳр-эътибор қайтгани ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий иродаси, ташаббускорлиги, Ватанга чексиз меҳри боис одам юрса оёғи, қуш учса, қаноти куядиган чўлу биёбонларга бунёдкорлик, яратувчанлик нафаси кириб келди.

Бўлажак давлат раҳбари 2016 йил 10 ноябрь куни Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида бўлиб ўтган сайловолди учрашувида “Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман!” деганди ва мамлакатимиздаги барча ҳудудлар қатори Қорақалпоғистон Республикасини ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни баён қилганди. Кимлардир ўша вақтда бу сўзларни шунчаки маҳобат учун айтилган, баландпарвоз гап деб ўйлагандир. Бироқ бугун кўриб турибмизки, бу шунчаки юзаки, қуруқ сўзлар эмас, балки дилдан чиққан самимий изҳор, тезда ҳаёт ҳақиқатига айланган ваъдалар экан. Қорақалпоғистонда кейинги беш-олти йилда амалга оширилган бетимсол ўзгаришлар шундай дейишимизга асос бўла олади.

Қисқа фурсат ичида бу ерда кенг кўламли ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди, мавжудлари модернизация қилинди. Қум барханлари бағрини ёриб ўтган темир йўллар, бунёд этилган янги иншоотлар, равон йўллар, дам олиш масканлари ҳудуд қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бугун бу ерда бўлган киши табиат инжиқликларига эътибор бермаслиги мумкин, бироқ янги ҳаёт эпкинларини дарров илғайди.

Давлатимиз раҳбари қорақалпоқ халқининг азобли ўтган замонини ва ҳозир ўзбек халқи билан абадий дўстлигини теран баҳолаб, Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига кўтаришга қаратилган кенг кўламлиислоҳотлар жараёнида Қорақалпоғистонни ҳам иқтисодий, ижтимоий, маданий тарафдан юқори чўққилар сари етакламоқда. Қорақалпоғистоннинг мураккаб аҳволга тушганлигининг энг биринчи сабаби Орол муаммоси эканлигини таъкидлаб, унинг масаласини ҳал қилишдаги халқаро режаларга, Оролни қутқариш ташкилотларининг ишига кўнгли тўлмай уни ҳал этишнинг янги стратегиясини таклиф қилди.

Шавкат Мирзиёев Орол муаммосини бартараф қилиш учун муаммонинг фақат оқибати билан, яъни таъсири билангина курашмай, унинг сабаби билан курашишнинг йўлини кўрсатди. Оролнинг қуриб қолган майдонини ўсимликлар билан қоплаб, тузли, заҳарли тўзонни тўхтатиб, унинг ўрнига “яшил иқтисодиёт”ни ташкил этишни илмий асослаб берди. Бу ўткир фикр дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди ва инсоният тарихида инсон донишмандлигининг энг улкан ютуғи сифатида баҳоланди.

Президентимиз ташаббуси билан Орол муаммосига қарши курашда бутун дунё давлатларининг бирлигини ташкиллаштирган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондининг пайдо бўлишига эришилди. Ўрта Осиё минтақаларидаги сув муаммосини тенг ҳисобга олишнинг ақлга мувофиқ эканлигини кўрсатиб, Қорақалпоғистонни сувсизликдан қутқариш чоралари кўрилди, халқнинг йўқолиб бораётган умидлари тикланди, келажакка ишонч кучайди.

## Тарихнинг нурли саҳифаси

Шундай қилиб, Президентимиз халқимиз тарихининг янги саҳифасини очди. Ҳозир шу тарихнинг нурли саҳифаларига ой сайин, йил сайин Қорақалпоғистондаги амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари ёзилмоқда. Саховатли ва бетакрор қорақалпоқ диёри мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида алоҳида ўрин тутадиган диёрга айланди.

Бу заминда яшаётган миллат ва элатлар тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда республика пойтахти — Нукус шаҳридан бошлаб, туманлар марказлари, шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто чекка овулларгача ҳар томонлама ўзгариб, ривожланиб бораётганлиги бунинг яққол тасдиғи.

Айниқса, мамлакатимиз лидерининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтиш керакки, бу дастурлар республикани асрлар давомидаги оддий аграр ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалар, транспорт-коммуникация тармоқлари, юксак малакали кадрларга эга бўлган қудратли минтақага айлантиришни назарда тутади. Дастурларнинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қорақалпоқ замини бугунги кунда таниб бўлмас даражада ўзгариб, йилдан-йилга чирой очиб бормоқда, барқарор суръатларда ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6 йил давомида бошқа ҳудудларга нисбатан энг кўп, яъни 9 марта Қорақалпоғистонга келиб, бу ердаги оқсоқоллар, тадбиркорлар, ёшлар вакиллари билан кўп-кўп мулоқот қилди. Ушбу даврда Қорақалпоғистонни комплекс ривожлантиришга қаратилган 31 та Фармон ва қарор қабул қилинди. Ҳудудда тадбиркорлик субъектлари сони икки бароборга ортди, қарийб 4,5 мингта инвестиция лойиҳалари ишга туширилди. Қорақалпоғистонда ичимлик суви таъминоти 40 фоиздан 68 фоизга, мактабгача таълим билан қамров даражаси 32 фоиздан 76 фоизга, аҳоли даромадлари жон бошига 2 баробарга ошди. 2017 — 2021 йилларда 26 минг 400 та тураржой барпо этилди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам аҳолини муносиб иш ва даромад билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш энг ўткир ва долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бевосита шаҳар-қишлоқларда ўтказилган ўрганиш натижалари, Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар таҳлили республиканинг барча туман ва шаҳарлари кесимида аҳолини энг кўп қийнаётган масалалар — ишсизлик, ичимлик суви, газ, йўл, уй-жой, тадбиркорлик, кредит, таълим, тиббиёт, моддий ёрдам билан боғлиқ муаммолар эканлигини кўрсатди. Шу боис айнан ана шу камчиликларни ҳал этишга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар ва уларга эришиш бўйича тузилган “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Бунинг учун 2022 йилги Давлат дастурида Қорақалпоғистонга 840 млрд. сўм марказлашган маблағлар ажратилиб, 2 минг километр сув, йўл, газ, электр тармоқлари, 51 мактаб, боғча, шифохона, маданият ва спорт объектлари янгидан қурилиши ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, бу йилнинг ўзида 476 км. ичимлик суви тармоғи ва 20 та сув иншооти қурилиб, реконструкция қилинмоқда. Натижада сувни узоқдан ташиб келаётган 28 та маҳалланинг 48 минг аҳолиси ичимлик суви билан илк бор таъминланди, шунингдек, 54 минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда сув таъминоти яхшиланди.

Қорақалпоғистоннинг 424 та маҳалла ва овулида ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари сифатида 848 нафар ёш иш бошлагани айни муддао бўлди. Ҳоким ёрдамчилари 2022 йилнинг ўзида 6 200 та янги тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, 64 мингта иш ўрни яратиш, 11 минг нафар ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш режаларини тузишган. Ушбу вазифаларни бажариш учун 650 млрд. сўм имтиёзли кредит ва 127 млрд. сўмлик субсидиялар ажратиш режалаштирилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тижорат банклари томонидан 2022 йилда Қорақалпоғистонда ушбу мақсадлар учун жами 1,6 трлн. сўмлик кредит ресурслари ажратилди. Кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон учун махсус имтиёзлар ҳам жорий этилди. Жумладан, Мўйноқ, Тахтакўпир, Бўзатов, Қўнғирот, Шуманай, Қораўзак, Қонликўл, Кегейли ва Чимбойда бўш турган давлат объектларини тадбиркорларга сотишда аукцион савдосида бошланғич нарх баҳолаш қийматининг 50 фоизи миқдорида белгиланади; тўловлар 2 ой ичида тўлиқ тўлаб берилса, 20 фоиз миқдорида чегирма берилади. Тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашга ҳам рухсат бор. Бу тартиб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотиб олишга ҳам татбиқ этилади.

Ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун катта миқдорда инвестиция зарурлиги тайин. Шу боис бу вазифа давлат раҳбарининг алоҳида эътиборида турибди. Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йилги сайловолди учрашуви ва жорий йилги ташрифи чоғида Қорақалпоғистон шаҳар, туман ва қишлоқ ҳамда овулларида 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган жами 1,8 млрд. долларлик 1,5 мингдан ортиқ лойиҳалар шакллантирилди. Натижада 42 мингдан кўпроқ янги иш ўрни яратиладиган бўлди.

Ҳудуд иқтисодиёти ривожига кучли туртки берадиган қиймати 900 млн. долларга яқин 7 та йирик объект қурилиши бошланмоқда. Жумладан, Беруний ва Қораўзакда Саудия Арабистонининг 108 млн. долларлик тўғридан-тўғри инвестицияси эвазига қуввати 100 МВт бўлган шамол электр станцияси қурилади. Бирлашган Араб Амирликлари компаниясининг 180 млн. доллар сармояси ҳисобига Қўнғирот сода заводи қуввати икки бараварга оширилиб, 450 минг тоннага етказилади.

## Илғор ташаббуслар, истиқболли лойиҳалар

Қорақалпоғистонни ривожлантириш жараёнида иштирок этаётган вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳам ўзлари бириктирилган шаҳар ва туманларда жами 524 млн. доллар қийматидаги 318 та янги лойиҳалар бўйича ишларни бошлашди, натижада 18 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш мўлжалланган.

Сўнгги йилларда юртимизда аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш соҳасида инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди. Минг-минглаб оилалар ўз уйларига эга бўлди. Аммо эришилган натижалар билан чекланиб қолинмайди. Бунинг исботи ўлароқ, Қорақалпоғистонда 2022 йилнинг ўзида 2120 квартирали кўп қаватли уйлар ва 500 та якка тартибдаги уй-жой қурилади. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида эҳтиёжманд оилаларга 740 та хонадон ва 500 та якка тартибдаги уй-жойни ипотека кредити асосида харид қилиш учун давлат ҳисобидан 44,5 млрд. сўм субсидия берилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари мамлакатимиз қишлоқлари ва маҳаллаларининг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди, аҳолига шаҳарга хос қулайликларни туҳфа этди. Қорақалпоғистонда ҳам бу йил мазкур дастурлар доирасида 34 та қишлоқ, овул ва маҳаллани ободонлаштириш бўйича 255 млрд. сўмлик қурилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга ошириляпти. Бунинг ҳисобига 25 мингта оиланинг яшаш шароити яхшиланади.

Жойларга чиқиб ўрганилганда шароити оғир овуллар сони кўплиги аниқланди. Шу боис аввал қабул қилинган “Обод қишлоқ” дастурига қўшимча равишда яна 12 та овул ободонлигига 50 млрд. сўм ажратилади. Шаҳар ва туманлар марказий кўчаларини ободонлаштириш учун Давлат дастури доирасида ажратилган 68 млрд. сўмга қўшимча равишда шароити оғир туманлар учун яна 35 млрд. сўм йўналтирилади.

Маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар биргаликда марказлашган ичимлик суви етиб бормаган 208 та маҳалланинг ҳар бирини тўлиқ ўрганиб, қайси маҳаллага марказлашган тармоқ тортиш, қайси бирида қудуқ қазиш ёки 25 — 50 тонналик сув сақлаш иншооти барпо этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Нукус шаҳри, Беруний, Мўйноқ, Қўнғирот, Қораўзак ва Амударё туманларида ичимлик суви тизимини яхшилашга доир қиймати 172 млн. доллар бўлган объектлар 2023 йилда якунланади. Бунда 1200 километр сув тармоқлари, 3 та сув тозалаш ва 28 та сув тақсимлаш иншоотларини қуриш ва реконструкциялаш ишлари бажарилади. Натижада 385 минг аҳоли кафолатланган тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Жаҳон банки билан бирга қиймати 78 млн. доллар бўлган Нукус шаҳри ҳамда Тахиатош ва Хўжайли туманлари марказларида канализация тармоқларини қуриш бўйича лойиҳа бошланди. Бунда 165 километр канализация тармоғи ва 4 та йирик оқова сув иншооти қурилади ва Нукус шаҳрида 306 минг нафар, Тахиатош ва Хўжайли туманлари марказларида 106 минг аҳоли канализация тизимига уланади.

Ўрта Осиёда ягона бўлган, саҳро бағридаги мўъжиза деб ном олган Қўнғирот сода заводи, Устюрт газ-кимё комплекси, Нукус полимер, Самсунг-Нукус, Нукус электроаппарат, “Lanextrakt” қўшма корхонаси, “Нукус Мед Тех” МЧЖ, Хўжайли шиша заводи, “Марказий Осиё безак тошлари” қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, “Элтекс” ва “Катекс” мажмуалари каби замонавий ишлаб чиқариш объектлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали, Олимпия захиралари коллежи бинолари, 345 километрлик Навоий — Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобиль йўли, ўнлаб умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари, болалар спорти, болалар мусиқа ва санъат мактаблари сингари кўплаб иншоотлар — буларнинг барчаси ўлка тараққиётига муносиб улуш қўшмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев сайловолди учрашувида берган таклиф асосида Қорақалпоғистондаги мактабларда бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш учун 2022 йилда 100 млрд. сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда Янги Қорақалпоғистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳудудда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми кескин ошди, минг-минглаб янги иш ўринлари яратилди. Халқнинг турмуш даражаси кескин ошди. Аҳолини ичимлик суви, электр энергияси ва газ билан таъминлаш даражасида туб ижобий ўзгаришлар юз берди.

## Куч — бирликда, ҳамжиҳатликда

Халқимизнинг “Куч — бирликда, ҳамжиҳатликда”, деган пурмаъно нақли ҳаётда ўз исботини топган ҳақиқат. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи ҳудудини биргаликда ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон туманлари биттадан вилоятга бириктирилди. Самарқанд Нукус туманига, Сурхондарё Тахиатош туманига, Фарғона Бўзатов туманига, Андижон Кегейлига, Навоий Чимбой туманига, Наманган Қораўзак туманига, Жиззах Тахтакўпирга, Қашқадарё Қўнғиротга, Бухоро Хўжайли туманига, Хоразм Шуманайга, Сирдарё Қонликўл туманига ҳамда Тошкент шаҳри Нукус шаҳрига, Тошкент вилояти Мўйноқ туманига ҳамкор, кўмакдош сифатида бириктирилди.

Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар томонидан йил бошида тегишли “йўл хариталари” асосида бошланган ишларнинг кўпчилиги ниҳоясига етиб қолди. Айни кунларда туманларда вилоятлардан ташриф буюрган делегациялар иштирокида ўнлаб янги объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда Нукус туманида Самарқанд вилояти вакиллари иштирокида ана шундай тадбирлар ўтказилди. Бир куннинг ўзида 7 млрд. сўмдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган Хотира майдони, “Имам Ийшан” масжиди, “Ақманғит” маҳалла фуқаролар йиғини идораси ва кутубхона, “Самарқанд ош маркази”, “Сет Нукус Текстиль” масъулияти чекланган жамиятининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Нукус туманида фаолият бошлаган, 52 млрд. сўмлик лойиҳа асосида барпо этилган йирик “Ақманғит савдо мажмуаси” таркибида деҳқон бозори ҳам бор. Нукусликлар томонидан “Ургут бозори” деб айтилаётган мазкур объектда 115 та дўкон ва 500 та савдо растаси ташкил этилди. Бунинг натижасида мингга яқин кишиларнинг бандлиги таъминланди. Бозор ҳудудида “Ургут хостел” ишга туширилди.

Мўйноқ туманига эса Тошкент вилояти бириктирилган. Шу йилнинг 26 ноябрь куни Тошкент вилоятидан ташриф буюрган ёзувчи-шоирлар билан Мўйноқ туманига бирга бордим. Делегация аъзолари билан биргаликда туман марказидаги хиёбон ҳудудида ташкил этилган шохобчалар, спорт майдончалари, ҳудудда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари, “Ҳоким ота” овул фуқаролар йиғинидаги зиёратгоҳда ташкил этилган кутубхона ва ободонлаштириш ишлари, “Қозоқдарё” овул фуқаролар йиғини биноси, ушбу ҳудуддаги 15-умумтаълим мактаби, спорт майдончаси, “Бўзатов” ҳамда “Тикўзак” овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга сазовор.

Маълумотларга кўра “Йўл харитаси”га мувофиқ, 32 млрд. сўм Тошкент вилояти маҳаллий ҳокимлиги бюджети ҳисобидан молиялаштириш белгиланиб, шу кунгача Мўйноқ туманида 18,5 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Бугун туман аҳлининг, мактабларда болажонларнинг кўзларида меҳр ва ўзгача бир мамнунликни кўриш мумкин. Зеро, Президентимизнинг Оролбўйини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратган эътибори туфайли биргина Мўйноқ туманида Орол денгизининг қуриган тубидаги қум ва туз билан қопланган миллион гектарга яқин ҳудудда яшил қопламалар барпо этилиб, экологик инқироз оқибатлари юмшатилмоқда. Оролбўйида яшовчи халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, ҳудудга замонавий инфратузилмани олиб кириш, соғлиқни сақлаш, таълим, хизмат кўрсатиш соҳаларида қанчадан-қанча янгиланишлар рўй бераётир.

Бўзатов туманидаги қисқа фурсатларда бунёд этилган спорт ва маданият масканлари ҳам кўзни қувонтиради. Бугунги кунда Бўзатов фақатгина қорақалпоғистонлик ижодкорлар эмас, бутун мамлакатимиздаги ёш ижодкорларни кашф этадиган маконга айланган. Президентимиз ташаббуси билан мана икки йилдирки, “Республика ёшлар овози” фестивали ва ёш ижодкорлар танловининг якуний босқичи айнан Бўзатовда ўтказилмоқда.

Бугун қорақалпоғистонликлар ҳаётидан мамнун, Юртбошимиздан тортиб, бунёдкорликка масъул бўлган барча инсонларни ҳам дуо қиляпти.



**Кенес КАРИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

Таҳририятдан: *Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида кўплаб мақолалар, жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин. Лекин мақсад бу эмас. Айтмоқчи бўлганимиз, республикадаги йиллар давомида жиддий эътибор ва рағбатдан четда қолган халқнинг томирларида бугун қайтадан ҳаёт дарёси оқа бошлади. Одамлар кўнглига қўл солсангиз, бунинг бевосита гувоҳига айланасиз. Уларда эртанги кунга ишонч пайдо бўлган.*

*Аслида, юракка йўл топиш осон эмас. Дил ташналиги баъзан биргина ширин сўз билан босилса, гоҳо жами эзгуликлардан баҳраманд бўлиб ҳам таскин топмайди. Қорақалпоқ элининг қалбида эса доим улкан бир денгиз яшайди. Денгизки, бир вақтлардаги қирғоқларига сиғмаган Оролнинг қудрати, шавқу шижоати мужассам! Бугун ана шу денгиз давлатимиз раҳбарининг меҳр-эътиборидан, ташаббусларидан, ғамхўрликларидан сокин чайқалиб, мавжланиб турибди. Демак, адиб Кенес Каримовнинг мақоласида ўқиганингиз каби қалбларга барча яхшиликлар онаси — Орол қайтмоқда. Янги Қорақалпоғистон бунёд этилмоқда. Бундан кейин ҳам халқнинг бунёдкорлик руҳи, шижоати ва ғайрати янада жўш ураверади...*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 13 735 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6